

БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАР БИЛАН ҲАРБИЙ МУНОСБАТЛАРИ.

Теляев Мехрожддин Бахромкулович

Қарши давлат университети мустақил тадқиқотчиси

XIX асрнинг бошларида Бухоро ва Хива хонликлари ўртасидаги баҳсли ҳудуд сифатида Марв воҳаси намоён бўлган. Шу даврда Бухоро амирлиги билан Қўқон хонлиги ўртасида Ўратепа ва Хўжанд ерлари учун рақобат давом этаётган эди. XIX аср бошларига келганда, Бухоро амирлиги Жиззахни, Қўқон хонлиги эса Хўжандни ўз қўлига киритади.

Ўратепа ва Хўжанд шаҳарларининг хонликлари ўртасида баҳсли ҳудудга айланишининг асосий сабабини қуйидагича тушунтириш мумкин. Жумладан, Ўратепа шаҳри ва унинг атрофлари географик ҳамда стратегик жиҳатдан жуда қулай ва мустақкам ҳудуд ҳисобланган. Агар амирлик Ўратепани эгалласа, Бухоро амири Қўқон хонлигининг жанубий чегараларини, айниқса Хўжанд мулкани ўз таъсири доирасида ушлаб туриш имконига эга бўлар эди.

Қўқон хонлиги эса Хўжанд мулкани назоратда сақлаши орқали Бухоро амири томонидан забт этилган Жиззах ҳудудига доимий хавф солиб турган. Шу боис, Ўратепа шаҳри доимо ҳар икки хонлик ўртасида баҳсли ҳудуд бўлиб, гоҳ бирининг, гоҳ иккинчисининг қўлига ўтиб турган.

XVIII асрнинг сўнгги даврига келиб, Ўратепа аҳолисининг бир қисми Бухоро амирлиги ҳудудига кўчирилгани ҳақида маълумотлар учрайди. Бундан ташқари, Ўратепа Зарафшон воҳаси иқтисодий ҳаётида аҳамиятли ўрин эгаллаган ҳудудлардан бири саналган. Иқтисодий жиҳатдан анча ривожланган Матча ва Фалғар (Зарафшон воҳасида жойлашган) мулклари эса бунга ёрқин мисол сифатида келтирилиши мумкин. XIX аср бошларига келиб Матча ва Фалғар мулклари Бухоро амирлари таъсирига ўтган бўлса-да, 1830 йилдаги Қўқон ва Бухоро ўртасида тузилган шартномага қадар Қўқон хонлиги маълум жиҳатдан бу ерларда ҳам ўз таъсирини сақлаб қолган эди. Аксарият ҳолларда Қўқон хонлигининг бир неча маротаба амирликка қарши уюштирган ҳарбий юришларда устунлик Қўқон хонлиги томонидан бўлганлигини англаш мумкин[1].

Қўқон хони амир Умархон вафотидан сўнг тахтга унинг ўғли Муҳаммад Алихон (1822–1842) ўтиради. Маҳаллий тарихчилардан бири Мирзаолим Мушриф Исфарагий бу жараёни қуйидагича: “Олимлар ва уламолар амирлар билан биргаликда Муҳаммад Алихонни йигирма етти ёшида дарё сингари шон-шараф билан тахтга ўтқаздилар” деб тасвирлайди[2]. Муҳаммад Алихон ҳукмронлиги даврида ҳам Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги ўзаро тўқнашувлар якунланмади. Айниқса Қўқон хонлиги қўшинлари 1834 йилда Қоратегин, Кўлоб ва Дарвоз ҳудудларини эгаллаб олишади. 1826-1829 йиллар оралиғида Қошғарга ҳам бир неча маротаба ҳарбий юришлар амалга оширилган

эди. Шунингдек, Мирзаолим Мушриф Исфарагийнинг таъкидлашича: “Умархон доно вазирлар маслаҳати билан давлатни бошқарган, у буюк ҳукмдор бўлиб, атрофдаги подшоҳларнинг подшоҳи саналган. Бухоро ва Урганч ҳукмдорлари ундан ташвишда эдилар. Хитой унга хирож тўларди. Дашти Қипчоқ унинг итоатида эди. Бадахшон ва Қобулдан совғалар келарди. Қоратегин ҳам унинг тасарруфида эди”[3].

Муҳаммад Алихон даврида Бухоро амирлиги билан муносабатлар илиқ характерда бўлмаган. Хусусан, Бухоро амири Насруллохон (1827–1860) билан тузилган тинчлик сулҳи узоқ муддат давом этмаган. Муҳаммад Алихон Бухоро амирига вассаллик қилишни рад этган, чунки ташқи сиёсий алоқаларда Бухоро амири Усмонли турк султониға мурожаат қилиб, ўзини Марказий Осиё давлатлари устидан устуворлигини кўрсатишга ҳаракат қилар эди.

Бу эса Қўқон хонлиги учун вассаллик қилишни зарур қиладиган ҳолат бўлиб, Муҳаммад Алихон бу талабни қабул қилмаган. Аксинча, у ўзини мустақил давлат сифатида сақлаб қолиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳарбий салоҳиятини мустаҳкамлаш йўлида ҳаракат қилган. Шу муносабат билан 1837 йил баҳорида Муҳаммад Алихон ўз элчиси Зоҳид Хўжани Истанбулга юбориб, Қўқон хонлигида ҳарбий мутахассислар тайёрлаш ва зарур мутахассислар ёрдамида ҳарбий тайёргарликни кучайтиришда ёрдам сўраган. [4].

Шундан сўнг, Муҳаммад Алихоннинг Усмонли турк султонидан ёрдам сўраши оқибатида Бухоро билан мавжуд “абдий сулҳ” бузилиб, икки давлат ўртасида очиқ душманлик ва ҳарбий тўқнашувлар авж олиб кетди. Хусусан, хонликлар ўртасида баҳсли ҳудуд ҳисобланган Ўратепа Муҳаммад Алихон Қўқонда ҳукмронликни қўлга олган пайтданоқ эгаллашни мақсад қилган эди[5]. Аслида Ўратепа шаҳрини доимий назоратда ушлаб туриш Бухоро амири Ҳайдар давриданоқ эътиборга олинган бўлиб, хавфсизлик нуқтаи назардан айрим чегаравий қалъалар назорати оталиқ Муҳаммад Раҳимга топширилган эди. Албатта келгусида ҳам ушбу вазифани сиёсий аҳамият касб этилиши унинг вориси амир Насруллохон даврида ҳам кузатилади. Амир Насруллохон бу ҳудудлардан, айниқса Жиззахни, янада мустаҳкамлаш ишларини давом эттирган. Бу вақтда Қўқон хони Муҳаммад Алихон Ўратепага ҳарбий юриш бошлаб уни эгаллайди. Лекин узоқ давом этган курашлар ва баъзи ички бош-бошдоқликлар натижасида Насруллохон 1828/29 йил оралиғида Жиззахни қайтариб олади[6].

Вазият тараққиётини диққат билан кузатган Муҳаммад Алихон Ўратепа бой берилгандан сўнг, Бухоро амирлиги билан янги низолар келиб чиқиш эҳтимолидан хавфсираб, муносабатларни юмшатиш мақсадида амир ҳузурига элчилар жўнатади. Ушбу дипломатик ҳаракатлар натижасида томонлар ўртасида музокаралар ўтказилиб, амир Насруллохон ўзаро келишувга эришиш, яъни тинчлик ўрнатиш таклифини маъқуллайди.

Насруллохоннинг бу қарорни қабул қилишига бир неча омиллар сабаб бўлган. Аввало, Бухоро амирлигидаги ички сиёсий беқарорлик, хусусан Шаҳрисабз беклигида кузатилган ажралиш кайфиятларини бартараф этиш

зарурати муҳим аҳамият касб этган. Шу билан бирга, Марв ва Чоржўй ҳудудлари учун Хива хонлиги билан олиб борилаётган ҳарбий тўқнашувлар ҳам амирликни ташқи фронтларни қисқартиришга мажбур қилган.

Натижада, икки давлат ўртасида ўзаро муроса қарор топиб, 1830 йилда Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги ўртасида сулҳ битими тузилади. Ушбу келишув 1840 йилга қадар амал қилиб, маълум вақт давомида ҳудудда нисбий тинчлик ва барқарорликни таъминлайди. Яна шуниси маълумки, Россия имерияси томонидан Қўқон хонлигининг шимолий қисми босиб олинишидан олдин (1840 йил), Бухоро ва Қўқон хонликлари ўртасида Ўратепа ва Хўжанд шаҳарлари тортишув манбаи бўлиб қолди. Маълумки, Бухоро амирлиги ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан Марказий Осиёдаги бошқа хонликлардан кучлироқ бўлиб, минтақада етакчи ўринни эгаллаган. Амир Насруллохон тажрибали давлат арбоби ва моҳир дипломат сифатида Россия ва Туркия каби йирик давлатлар билан дўстона алоқалар ўрнатган эди.

Манбаларга кўра, Амир Насруллохоннинг 1842 йилда Қўқон хонлигига қарши амалга оширган юришида қўшин таркибида 2000 дан зиёд ишчи ва мардикорлар қатнашгани қайд этилган. Ҳарбий ҳаракатлар давомида қўшиннинг хўжалик эҳтиёжлари, жумладан арава, чодир ва бошқа зарур жиҳозлар хон хазинаси ҳисобидан таъминланган.

Чодирлар ва юкларни ташиш мақсадида амир томонидан махсус аравалар ажратилган бўлиб, айрим ҳолларда вақтни тежаш учун уларда сарбозлар ҳам олиб юрилган. Шу билан бирга, ярадорларни ташиш учун алоҳида мўлжалланган аравалар ҳам мавжуд бўлган. Қўшин таркибида кўчма кўрхона — яъни қурол-аслаҳа ва ўқ-дорилар сақланадиган омбор ҳам бўлиб, у аравалар ва туялар орқали кўчириб юрилган ҳамда қўшин марказида жойлаштирилган.

Бўлиб ўтган урушлар натижасида қўлга киритилган ўлжалар, хусусан қурол-аслаҳалар, одатда пойтахтга олиб келиниб, кейинчалик қўшинни таъминлаш эҳтиёжлари учун сарф этилган.

XIX асрнинг 40–50-йилларига келиб, Бухоро амирлиги билан Қўқон хонлиги ўртасидаги муносабатлар янада кескинлашади. Бу тарағликнинг асосий сабабларидан бири — Бухоро амирлигининг Қўқон хони Муҳаммад Алихоннинг акаси султон Маҳмудни ўз ҳимоясига олиши бўлган. Шу билан бирга, Муҳаммад Алихоннинг шаънига тегадиган мазмунда мактуб юборилиши ва ортидан тез орада Жиззахга ҳарбий юриш бошланиши муносабатларни янада кескинлаштирган. Кейинчалик Пишагар қамал қилиниб, батамом вайрон этилади. Бундай оғир вазиятда қолган Муҳаммад Алихон амирдан сулҳ сўрашга мажбур бўлади. Амир Насруллохон эса тинчликка розилик билдирган ҳолда, мавжуд вазиятдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилади. Хусусан, Муҳаммад Алихоннинг акаси султон Маҳмудни унга қарши қўйиш орқали ўз сиёсий режаларини амалга оширишни кўзлаган. Бунинг учун Султон Маҳмудни Ўратепа яқинидаги Урмитон вилоятига ҳоким этиб тайинлайди. Шу орқали Қўқон хонлигини ўз вассалига айлантиришни мақсад қилади. Орадан бир

йил ўтиб (1842/43 йилда) амир Қўқонга қарши қўшин тўплайди ва қайта Жиззахга юриш бошлайди. Муҳаммад Алихон вазиятни юмшатиш мақсадида амирни Қўқонга таклиф қилсада, аммо музокаралар натижасиз тугайди. Шу орада амир қўшинлари Зомин қалъасига бориб, уни уч кун қамал қилади ва Хўжандни забт этиш учун қўшин йиғади. Муҳаммад Алихон эса Қўқонга қайтишга мажбур бўлади. Натижада Хўжанд қаршиликсиз Бухоро амирлиги тасарруфига ўтади.

Муҳаммад Алихон Қўқонга етиб келгач, ўз амакисини амир ҳузурига юборган. Хоннинг амакиси амирга шундай хабар етказди: Муҳаммад Алихон Бухоро амирига Хўжанд, Тошкент ва Туркистон шаҳарларини топширишга тайёрлигини билдирган. Шу билан бирга, у Фарғона вилоятининг йиллик даромадини мунтазам тўлаб туришга ҳам ваъда берган. Қўшимча равишда, хутбада амирнинг номи тилга олинишини таъминлашни ҳам ўз зиммасига олиши ҳақида ваъда берган. Бунинг барчаси Қўқон хонлиги томонидан Бухоро амирлиги ҳокимиятини тан олганини англатар эди. Амир Хўжандни Султон Маҳмуд хонга бериб, Ўратепага қайтади. Ўратепа, Ём ва Зомин ҳудудлари Бердиёр тўқсабога тортиқ қилиниб, унга “эшик оғаси боши” (ҳовли қўриқчилари бошлиғи) унвони берилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мухтаров А. Очерк истории Ура-Тюбинского владения в XIX в. // Отв.ред.: Искандаров Б.И. – Душанбе: АН ТаджССР, 1964. – С. 21-23.
2. Мирзаолим Мушриф. Ансаб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин (Қўқон хонлиги тарихи). – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1997. – Б. 19.
3. Мирзаолим Мушриф. Ансаб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин (Қўқон хонлиги тарихи). – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1997. – Б. 20.
4. Mert O. Buhara emirinin elcisi Muhammed Parsa efendinin Istanbuldaki faaliyetleri. – Ankara, 1976. – S. 70; Saray M. Rus isqali devrinda Osmanli devleti ila Turkistan hanliklari arasindaki ildiliklar. – Ankara, 1994. Say. – S.30; Турсунов Б.Я. Қўқон хонлигида ҳарбий иш ва қўшин: ҳолати, бошқаруви, анъаналари (XIX асрнинг 70-йилларигача): Тарих фанлари номзоди ... дисс. –Тошкент: Ўз. Рес.ШИ, 2005. – Б. 21.
5. Muhammad Khakim – khan. Muntakhab al-tawarikh. Selected history. Vol.II. Y. Kawahara, K. Haneda (tls). Tokio, 2006. Л.526б-527а.
6. Мухтаров А. Очерк истории Ура-Тюбинского владения в XIX в... – С. 31.
7. Замонов А. XVIII – XIX аср ўталарида Бухоро амирлигида ҳарбий бошқарув ва қўшин тузилиши. // Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистон фанлар академияси. №1. 2014. – Б.22.
8. Исроилов С. Об отношениях бухарского эмирата с кокандским ханством. [ob-otnosheniyah-buharskogo-emirata-s-kokandskim-hanstvom.pdf](#)